

## Вафот этган кишининг кийимлари

10:00 / 18.01.2019 4160

*Ассалому алайкум! Ҳурматли устозлар, яқинда онамиз бандаликни бажо келтирдилар. Таъзия кунлари онамизнинг кийим-кечаклари қариндош ва қўшни аёлларга тарқатилди. Бир жуфт кийимларини эсдалик, онамизни ёдга солиб туриши учун қолдиргандик. Эшитишимиз бўйича бундай қилиш тўғри эмас экан. Шу ҳақида бирор маслаҳат берсангизлар, илтимос!*

### **"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:**

- Ва алайкум ассалом! Вафот этганнинг кийим кечаклари [мерос](#) хўрларнинг ҳаққлари ҳисобланади. Улар [балоғат](#)га етган бўлсалар ўзаро рози бўлиб бирорталарига ҳадя қилишлари мумкин. [Балоғат](#)га етмаган болалар бўлса уларнинг ҳаққини ҳадия қилиш [жоиз](#) эмас. Ижозат берсалар ҳам. Сотиб балоғатга етмаганникини ажратиб бериш керак. [Валлоҳу аълам!](#)